


ХУДОГА ВА ИНСОНИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Шайх Муҳаммад ал-Ғазолий мероси



IN SERVICE *of* GOD AND HUMANITY

The Legacy of Shaykh Muhammad al-Ghazali

Benaouda Bensaid

(ШТ) «Китобларининг қисқача сериялари»

ХУДОГА ВА ИНСОНИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Шайх Муҳаммад ал-Ғазолий мероси

Бенауда Бенсаид



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2022

УДК 297
ББК 36.38-6
Б 46

Китоб ҳомийси:

Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Херндон Виржиния АҚШ

Билимлар интеграцияси институти (ИКИ)

Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Бенауда Бенсаид

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбоева Раҳат: – Б.: 2022

Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №59**

Худоба ва инсониятга хизмат қилиш: Шайх Муҳаммад ал-Ғазолий мероси (Uzbek)

Benaouda Bensaid

ИИТ «Китобларнинг қисқача сериялари»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

1444 АН / 2022 СЕ

Paperback ISBN 978-9967-08-953-2

In Service of God and Humanity: The Legacy of Shaykh Muhammad Al-Ghazali (Uzbek)

Benaouda Bensaid

ИИТ «Books-In-Brief Series»

The International Institute of Islamic Thought (IIIT)

1438 АН / 2016 СЕ

Paperback ISBN 978-1-56564-692-6

IIIT

P.O. Box 669

Herndon, VA 20172, USA

www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

ISBN 978-9967-08-953-2

УДК 297

ББК 86. 38-6

Халқаро ислом тафаккури институтининг қисқа китоблари тўплами – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар катта ҳажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

Худога ва инсониятга хизмат қилиш: Шайх Муҳаммад ал-Ғазолий мероси бу Шайх Муҳаммад ал-Ғазолийнинг *даъват* моделини ўрганишдир. Асарда Шайх ал-Ғазолий ҳаёти, унинг таълими, мартабаси, *даъват* ва жамиятга қўшган ақлий ва касбий ҳиссаси ҳамда шахсий феъл-атвор хусусиятлари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, у ал-Ғазолий, Ислом фалсафаси, динамикаси ва оқибатларини чуқур тушунадиган, анъанавий олим бўлиб, дин, жамият ва *даъватни* таҳлил қилиш бўйича замонавий ёндашувни қандай қўллаганини тасвирлайди.

Ал-Ғазолий *даъватни* кўп қиррали ва кўп соҳали ёндашувни талаб қиладиган муҳим аҳамиятга эга бўлган масала деб ҳисоблаган, сабаби у, биринчидан, инсониятни Худога ишониш эҳтиёжи билан, иккинчидан, мусулмонлар маънавий тафаккурининг умумий озайишини ўлчайдиган барометр билан боғлаган эди.

Шундай қилиб, тадқиқотда Ал-Ғазолий даъватининг концептуал тuzилиши, унинг тушунчалари ва хусусиятлари, шунингдек, Куръонда тасвирланган Пайғамбарнинг (С.А.В.) *даъвати*, туғма инсон

табиати (*фитрат*) масаласи ва *даъватнинг* универсаллиги ўрганилади. Боз устига, жамият ва маданиятнинг *даъватга* таъсирини, ал-Ғазолийнинг ваҳий асосида *даъватни* қандай тушунганлигини ва унинг ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омилларнинг оқибатлари ва таассуротларини ўрганади.

Ал-Ғазолий томонидан “*дуъат*”ни (*du'āt*, яъни Исломни тушунишга *даъват* этганларни) ва *даъватнинг* амалиётини кескин танқид қилиши ҳам ўрганиб чиқилади. Шу билан бирга, ал-Ғазолий методологияси, таклиф этилган турли ечимлар, унинг нуқтаи назарига қонуний жавоблар ҳамда *даъват* этганларнинг *даъватга* ёндашувини ўрганилади. Энг муҳими шуки, муаллиф *даъватнинг* энг яхши манфаатларини (*maṣlahah al-daъwah*) тушуниш асосида замонавий *даъватнинг* устувор йўналишлари билан боғлиқ бўлган *даъватга* тегишли ҳуқуқий методологиянинг (*fiqh al-daъwah*) ал-Ғазолийнинг тушунчасида кўриб чиққанидир.

Ал-Ғазолийнинг ғоялари бугунги кунда кўплаб тадқиқотчиларни жалб қилишда давом этмоқда ва *даъватнинг* замонавий фикрлашни қўллаб-қувватламоқда.

Бенауда Бенсаид тамонидан асл нусханинг қисқартирилган нашри
*ХУДОГА ВА ИНСОНИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ: ШАЙХ МУҲАММАД
АЛ-ҒАЗОЛИЙ МЕРОСИ*

ISBN hbk: 978-1-56564-664-3

ISBN pbk: 978-1-56564-663-6

2015

МУҚАДДИМА

Ҳозирги замон *даъват* тадқиқотлари соҳаси кўпинча суфийлар, Жамоати таблиғ, Жамоати исломий ёки *аҳл ал-ҳадис* каби ҳар бир ўзига мос тарихий аҳволни, фалсафани ва методологияни акс эттирувчи мавжуд *даъват* моделларини таъкидлайди. Бироқ, умумий асосларга хилоф равишда ва бу *даъват* моделлари томонидан амалга оширилган турли ҳиссаларга қарамасдан, ушбу моделларнинг қайси бири Исломни тушунишни энг самарали тарзда тарғиб қилаётгани ва улар диний меъёрлар ва замонамизнинг мураккаб муаммолари ўртасида синтезни ривожлантириши мумкинми деган баҳслар давом этмоқда. Бинобарин, нафақат Исломий *даъват* назариясини чуқур англаш, балки мусулмонларнинг ижтимоий-маданий шароитлари асосида *даъватнинг* замонавий амалиётларини, шунингдек, *даъватнинг* Исломнинг асосий постулатларига риоя қилган ҳолда, замонавийлик муаммоларига энг яхши жавоб берадиган усулларини танқидий таҳлил қилиши зарур. Ушбу масалага тўхталадиган бўлсак, раҳматли олим ва воиз Муҳаммад ал-Ғазолий *даъват* борасида янги нуқтаи назарни ривожланишига бошчилик қилган. Умри давомида олтмишга яқин китоб ёзган, уларнинг аксарияти замонавий *даъватга* танқидий ва ноанъанавий ёндашган.

Ал-Ғазолий *даъват* ҳақида кенг муҳокама қилиши унинг тафаккури ва тажрибасини акс эттиради. Улар, масалан, унинг Мисрнинг кишлоқ жойларида ишлаш тажрибасидан, “Мусулмон биродарлар”да (1937-1953) ўқишидан, ал-Азҳарда академик таълимидан, эгаллаган ҳукумат лавозимларидан (1971-1981), шунингдек, кўплаб Исломий ва хайрия ташкилотларига фаол аъзо бўлишидан, ҳатто шахсий ҳикоялар ва саёҳатлардан пайдо бўлади. У 1922-йилида Усмонли Империясининг қулаши оқибатларига қадар яшади ва турли мусулмон давлатларининг таназзулга юз тутиши ва қулашига гувоҳ бўлди. Шундай қилиб, унинг фикри турли сиёсий даврларга тегишли кенг кўламли ижтимоий-тарихий тажрибаларни ва ўша даврдаги минтақавий ва умумий воқеаларни акс эттиради. Унинг адабий асарлари *даъватнинг* муваффақиятли амал қилишига мустаҳкам замин яратиш учун ҳозирги замон Ислом тафаккурининг

кенг доираси, шунингдек, мусулмон жамияти ва маданиятини таҳлил қилишдан иборатдир.

Ушбу китобда бир қатор ўзаро боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга ҳаракат қилинади. Мен жавоб беришга ҳаракат қилаётган асосий савол шу эди: “ал-Ғазолий замонавий Ислом учун қандай *даъват* моделини ишлаб чиқди?” Ушбу саволни ҳал қилишда мен яна бир қатор муҳим саволларга мурожаат қилдим: “Ал-Ғазолийнинг инсон табиатининг (*фитратнинг*) *даъватга* нисбатан бўлган ҳолатини қандай тушунар эди? Ижтимоий-маданий тараққиётнинг *даъватга* таъсири қандай эди? *Даъват* самарадорлигини оширишда эркинлик ва диний плюрализмнинг ўрни қандай эди?” Бундан ташқари, мен *даъватни* тарғиб қилишда намуна бўладиганларнинг таъсири, шунингдек, *даъват* ва тинчлик, *даъватнинг* универсаллиги каби бошқа масалаларни муҳокама қилдим. Ниҳоят, мен ал-Ғазолий фикрининг келиб чиқиши ва унинг ақлий ривожланишига ҳисса қўшувчи асосий омилларни ҳам тушунишга интилдим.

Биринчи боб

Ислом Ислоҳотчиси Муҳаммад Ал-Ғазолийнинг (1917-1996) ҳаёти, таълими ва Ислом илмига қўшган ҳиссаси

Ал-Ғазолийнинг қарашларининг шаклланиши ҳақида тушунча излаб, унинг болалиги ва таълим-тарбияси ҳақида, кейинчалик эса унинг шахсий хусусиятларини ўрганиб чиқдим. Шунингдек, унинг “Мусулмон Биродарлар” билан муносабати ҳақида фикрларини қандай шакллантиргани ва турли хил гуруҳлардан ўзини қандай фарқлашга интилганини таҳлил қилдим. Бу бобда ал-Ғазолийнинг тафаккур мактаби ва унинг Ислом илмига қўшган ҳиссалари ўрганилади ва боб унинг касбий ва ақлий фаолияти ҳақида умумий маълумот билан яқунланади.

Ал-Ғазолийнинг болалиги, маълумоти

Муҳаммад ал-Ғазолий ал-Сакка 1917-йили 22-сентябрда Шимолий Мисрнинг Буҳайра провинциясида жойлашган Никла ал-Инаб қишлоғида туғилган. Унинг отаси Аҳмад ал-Сакка, ал-Ғазолийнинг келажагидан умидлари баланд бўлган диндор одам эди. Ал-Ғазолий Бағдоднинг буюк олими Абу Ҳомид Ал-Ғазолий (Ҳижрий 450-505/милодий 1058-1111) номи билан аталган бўлса-да, олимларнинг бошқа даъволари ҳам бор. Ҳатто никоҳдан олдин, отаси ваҳий кўрган деб даъво қилган. Бу ваҳийда Абу Ҳомид Ал-Ғазолий унинг олдига келиб, бўлажак ўғилга унинг шарафига исм беришини сўраган.

Гарчи ал-Ғазолийнинг исми баъзиларга унга таъсир қилмаган бўлиши мумкин бўлса-да, унинг туғилган жойи қизиқтириши аниқ. Ал-Ғазолий диний ҳис-туйғулар кундалик хатти-ҳаракатларга сингиб, умуман жамиятнинг манфаатларини акс эттирган жойда Никла ал-Инабда ўсди. Ал-Ғазолийнинг ҳикоялари унинг маҳалий жамоасининг диний консерватизмга, Куръонни ёдлашга бўлган қизиқишларига, Ислом илмларини ўрганишдаги маҳоратига ва олимларни етиштириш қобилиятига ишора қилади. Ал-Ғазолийнинг жонажон шаҳри ҳақидаги хотиралари унинг тарбиясига ва, маълум даражада, характерининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Ал-Ғазолийнинг ўз қишлоғи ҳақидаги энг муҳим хотираларидан бири (1919-йилдаги) босқинчиларга қарши қўзғолонга тааллуқлидир. У деҳқонлар қандай қилиб норозилик сифатида телефон симларини узиб қўйганини, шунингдек, аскарлар томонидан масжид атрофини ўраб олиниши ва ҳарбий ҳолатга бўйсунишдан бош тортган деҳқонларнинг ўлдирилиши каби фожиали пайтларни эслайди.

Ал-Ғазолий туғилган иқтисодий шароитни жуда қийин деб таърифлаш мумкин. Ал-Ғазолий пошшо ва бекларнинг таъқиб ва қатағонларига дучор бўлган, эксплуатация қилинган қишлоқ худудида ўсди. Заминдорлар томонидан адолатсизлик ва эксплуатация одатий ҳолга айланди, шунингдек, оғир меҳнат учун жуда кам даромад олган деҳқонларни суиистеъмол қилиш эди. Бу ижтимоий адолатсизлик имтиёзли ижтимоий синфларни тузиб, миср жамиятида бойлар

ва камбағаллар ўртасида катта бўшлиқ яратгани бежиз эмас. Боз устига, даромад тенгсизлиги шундай эдики, баъзи одамлар дон эккани билан пичан ейишган, пахта етиштириб, ёмон кийинган, баланд бинолар қуриб, қашшоқликда яшаганлар. Бу шарт-шароитлар натижасида ал-Ғазолий аҳолининг азоб-укубатлари, эксплуатацияси ва суиистеъмоли билан қайғудош бўлди.

1914-йилда кичик мулкдорлар барча ер эгаларининг 90%дан ортиғини ташкил қилдилар, лекин ернинг фақат бир чорагига эгалик қилдилар. Йирик ер эгалари умумий манфаатларга эга бўлган гуруҳни ташкил этиб, ер эгаллиги уларга миср жамияти тепасида имтиёзли мавқе берди. 1966-йилга келиб аҳолининг зичлиги бир квадрат километрга 845 кишини ташкил этди. Аҳоли зичлиги нисбатининг бу ўсиши табиий равишда ўртача даромадга салбий таъсир кўрсатди ва паст даромадлар қишлоқ аҳолиси ерларининг кенгайишига тўсқинлик қилди. Қишлоқда хўжалик ерни сотиб олиши жуда қимматга тушар эди. Кўлам тубидаги дехқонлар тинка-мадорни қуритадиган касалликлар, камбағаллик ва овқатга тўймасликдан азият чекишда давом этдилар. Бундай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ал-Ғазолий тафаккурига чуқур таъсир этиб, дин бундай даҳшатли шароитда, яъни қашшоқлик, касаллик ва жаҳолат шароитида гуллаб-яшнаш олмайди, деган хулосага олиб келди. Бундай оғир турмуш тарзи уни диний тараққиёт ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларга, шунингдек, иқтисодий ривожланиш ва *даъват* ўртасидаги муносабатларга оид ғоялар билан машғул бўлишига ундади.

Ал-Ғазолийнинг билими мактабдан бошланиб Искандария Диний Институти ва ал-Азҳар университетигача бўлган турли жойларда давом этди. Беш ёшида ал-Ғазолий Қуръонни ёд олиш учун маҳаллий мактабга ўқишга қабул қилинган. Мактабдаги таълим Қуръон сўзларининг маъноси ва қудрати атрофида тузилган бўлиб, ўқиш натижаси эса ўқувчилар Қуръон матнини тўлиғи билан ўрганиши эди. Ўқиш ва ёзиш қобилиятлари ҳар доим муқаддас оятларнинг кундалик такрорланиши орқали Худонинг оғзаки сўзларини аниқ такрорлаш кўникмаларини эгаллаш учун иккинчи даражали бўлган.

1927-йилида ўн ёшида ал-Ғазолий Искандария Диний Институтига ўқишга кириб, у ерда кетма-кет тўққиз йил таҳсил кўради. Машғулотлар ҳам диний, ҳам “дунёвий” илмларни ўз ичига олган. Шу билан бирга, ал-Ғазолий отасининг китоб дўконини ўз манфаатлари учун ишлатган. Отаси уни тез-тез ўқишга ундаб турарди. Лекин, афсуски, ал-Ғазолий чет эл романларидан кўра диний китобларни афзал кўрган. Ал-Ғазолийнинг бундай кизиқишнинг сабабларидан бири шундаки, бу асарлар тўқима ва тасдиқланмаган ҳадислар ҳамда бемаъни афсоналарга тўла эди.

1937-йилида Ал-Ғазолий Ал-Азҳар университетининг илоҳиёт факультетига ўқишга кирди. Тўрт йиллик таҳсилдан сўнг у ўз лицензияни (*'Alamiyyah*) олди, шунингдек, *Даъват* ва Диний бошқарув (*al-Da'wah wa al-Irshad*) соҳасида икки йиллик магистрлик курсида ўқишни давом эттирди. Факультетда бўлган даврида ал-Ғазолий ал-Атабаҳ ал-Хадра масжидида имом бўлиб ишлаган. Бу ўқиш даврида ал-Ғазолийга Абдулазийм Зарқоний каби олимлар катта таъсир кўрсатган. Яна икки нуфузли устоз Иброҳим Ғарбави ва Абдулазиз Билол эди.

Ал-Ғазолий таълим тизимини такомиллаштириш мутлақо ҳаётий ва замонавий Ислом ислоҳотининг муқаррар шарти эканлигини таъкидлаш учун тез-тез ўзининг дастлабки маълумот ва тегишли масалаларга мурожаат қилган. Шунингдек, у самарали таълим ва диний тараққиёт ўртасидаги боғлиқликдан ташқари, *даъватчиларнинг* маълумот муаммоларини, яъни диний таълим ва *даъват* ўртасида мавжуд бўлган узвий боғлиқликни кўрсатиш ва баҳолаш учун ўз таълим тажрибасидан фойдаланган. Ал-Ғазолий жамоатчилик томонидан фойдаланилган диний адабиётларнинг аксарияти, шу жумладан, Ал-Азҳарнинг ўзи томонидан нашр этилган, мазмуни ва услуби жиҳатидан камбағал ва мусулмон маданиятини оғир аҳволга солиб қўйганига қатъий ишонган. Ал-Ғазолийнинг фикрича, мактаб болаларнинг фаолликни тўхтатиб, уларнинг ўйин-кулгисини чеклаган эди, шунинг учун уларда ҳиссий муаммолар келиб чикқан эди. Бундан ташқари, ал-Ғазолий “таёқ”дан фойдаланишни талаба учун зарарли деб ҳисоблаган, чунки болани тарбиялаш раҳм-

шафқат, сабр-тоқат, бағрикенглик ва қаттиққўлликни талаб қилади, лекин шафқатсизликни эмас. Унинг фикрига кўра, уларнинг яхши ниятларига қарамай, баъзи мактаблар самарали намуналар ўрнига “ёзувли кассеталар”дан кўпроқ ишлаб чиқарганлар. Қуръонни тушунмасдан ёдлаш фикри билан безовталанган ал-Ғазолий Қуръонни узатишнинг анъанавий усули тарафдори бўлиб қолган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ал-Ғазолий даврида диний таълим энг паст даражада бўлган ва у ўша даврда Исломни тарғиб қилмаганлиги ва ваколатли талабаларни жалб қилмаганлигини ҳис қилган. Ал-Ғазолий диний маълумотнинг қуйидаги уч муаммосига эътибор қаратган: а) Диний олимлар томонидан ҳиссий ва ақлий қобилиятларнинг етишмаслиги; б) Гуманитар ва илмий фанлар бўйича зарур билимлар базасини эгаллашдан олдин эрта академик ихтисослик; в) Ислом асосларини тўғри тушунмаслик ва арзимас муаммоларга ортиқча эътибор бериш.

Ал-Ғазолийнинг диний маълумотнинг аянчли аҳволини муҳокама қилиши замонавий фанларни жорий этиш орқали уни замонавийлаштиришга бўлган самимий қизиқишни акс эттиради. Унинг фикрича, Исломшунослик битирувчилари нафақат анъанавий билим олишлари, балки замонавий илм-фанни ҳам тушунишлари лозим. Бу уларга Исломни тақдим этишда замонавий нуқтаи назардан фойдаланишга ёрдам берарди ва айни пайтда *даъват* фаолиятини илмий тараққиёт билан бараварига тарғиб қиларди. Маълумот ижтимоий ҳаётни яхшилаш, одамларга Ислом кадриятларини кундалик ҳаётларида мужассамлаштиришга ёрдам бериш ёки ислоҳот учун зарур бўлган силлиқ ижтимоий ўзгаришларни таъминлаш нуқтаи назаридан баҳоланган кўринади.

Ал-Ғазолий шахсиятини ўрганиш

Ал-Ғазолийнинг шахсий фазилатларини ўрганиш жараёнида мен унинг тақдирини белгилаган бўлиши мумкин бўлган асосий хусусиятларни аниқладим. Булар ишонч, ҳақиқатга садоқат, адолат ва тенгликни ҳимоя қилиш, камтарлик ва эксплуатациядан озод бўлиш учун курашиш каби фазилатлардир. Ал-Ғазолий ғамхўр муно-

сабатни инсон тараққиёти учун айниқса муҳим деб ҳисоблаган ва қўполлик, тажовузкорлик ёки совуққонликни ёқтирмаган. Ал-Ғазолий марҳаматлилик ва чидаб туришлик тарафдори бўлса-да, айрим ҳолларда, айниқса, жамоат ишларини ҳал қилган, зарарли баёнотлар берган ёки бўш келишмовчиликларга алоқадор бефарқ кишиларни кўрганда назоратни йўқотган.

Ал-Ғазолий ақл ёки онг эркинлигининг бир қисмини ҳам инкор этувчи ҳар қандай ҳаракатни ғайриинсоний деб ҳисоблаб, уни рад этган. Айнан шу эркинликка бўлган ишонч уни диний расмиятчиликларни, шунингдек, диний ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг кўплаб намоёнларини танқид қилишга олиб келди. Шунингдек, у ақл-идрокни диннинг таркибий асоси деб билган, чунки унинг фикрига кўра, ақлий далиллар улкан вазнга эга ва фақат ақл орқали Худони билиш, ваҳий ҳақиқатларини аниқлаш ва охиратдаги инсоннинг масъулиятини рўёбга чиқариш мумкин. Унинг ақлий эркинлиги уни мусулмонлар ҳаёти ва эътиқод, ҳуқуқшунослик ва тарих сингари исломий фанларга оид кўплаб танқидий саволлар туғдиришига олиб келганлиги аён бўлмоқда.

Боз устига, баъзан жуда кескин тус олган ал-Ғазолийнинг нутқ услубини ўрганиш мантиқан тўғри бўлади. Унинг мактабда ёки Ал-Азҳардаги ақлий саёҳати ҳам анъанавий диний педагогикага нисбатан қаттиқ ёки салбий муносабатини оқламайди. Бироқ, Усмонли Империясининг кулаши, мусулмон дунёсининг ташқи эксплуатацияси, Фаластиннинг босиб олинishi ва мусулмон дунёсига таъсир қилувчи турғунлик шароитлари каби муҳим воқеалар таъсир қилган кўринади. У тарих сабоқларидан келиб чиқиб, тортаётган қийинчилиги ва ғазаби, шунингдек, мусулмон муваффақиятсизликларини муҳокама қилиш чоғида ўртага ташланган қаттиққўллиги учун ўқувчиларидан узр сўрайди. Бундан ташқари, баъзан ал-Ғазолийнинг баёноти умид қилиш учун жой қолдирмаслиги ҳазин кўринади. Ал-Ғазолийнинг буларга салбий ёндашувнинг сабаби мусулмонларнинг оғирлашиб бораётган ижтимоий-маданий воқеликка ғазабланиш даражаси ошиши мумкин.

Ал-Ғазолий ва “Мусулмон биродарлар”

Ал-Ғазолий Искандария Диний институтида талаба эканлигида “Мусулмон биродарлар” етакчиси Ҳасан ал-Баннони билар эди, кейинчалик эса йигирма ёшида у “Мусулмон биродарлар” сафига қўшилиб, ўн етти йил давомида фаол аъзо бўлган. Ал-Банно уни “*Мусулмон биродарлар журнали*” котибининг ўринбосари этиб тайинлади. Ал-Ғазолийнинг ёзувчилик истеъдодлари унга “Мусулмон биродарлар” орасида *Даъват* ёзувчиси фахрий унвонига сазовор бўлиб, уларнинг нашрларида унинг адабий маҳорати ва ақлий қобилиятлари намоён бўлган. Ал-Ғазолий ташкилотнинг фаол аъзоси, шунингдек, Вақфлар вазирлигида расмий олим бўлган.

Ал-Ғазолий ўз асарларида ал-Баннони ўзининг биринчи ўқитувчиси ва устози деб атайдди. 1948-йилида ал-Банно котиллигидан кўп ўтмай ташкилот ичидаги муаммолар очилиб қолди. Ал-Ғазолий билан янги тайинланган раҳбар Ҳусайн Худойбий (1891-1973) ўртасидаги фарқлар унинг истеъфосига ва айбловларнинг ўзаро алмашинувига олиб келди. Ал-Ғазолий истеъфосининг сабаби “биродарлик”нинг Жамол Абдул Носир ҳукуматини бойкот қилиш ҳақидаги қарори билан келишмаганлиги эди. Аслида ал-Ғазолийнинг “Мусулмон биродарлар” билан зиддияти анча илгари бошланган. Агар ал-Ғазолий “биродарлик” билан сиёсий алоқани сақлаб қолган бўлса, унинг ҳиссаси бошқа йўлдан кетган бўлиши мумкин. Шундай бўлгач, уни тузилган Исломиё ҳаракатдан расмий четлаштириши унга *даъват* масаласини мустақил, танқидий ва кенг равишда ҳал қилиш учун зарур бўлган эркинликни берди.

Ал-Ғазолийнинг тафаккур мактаби ҳамда

Ислом билимига қўшган ҳиссаси

Ал-Ғазолийнинг тафаккури ўз фаолияти давомида ўзгариб, ривожланиб борган. Ал-Ғазолийнинг “*Маданий бирликнинг тузилиши*” асари ал-Баннонинг Йигирма тамойилини ўзида мужассам этган “Мусулмон биродарлар”ни ташвишга солаётган асосий муаммоларга нисбатан ўзининг ўсиб бораётган мустақиллигининг яна бир далилидир. Ал-Ғазолий замонавий ислохотларни амалга ошириш учун зарур бўлган ўнта тамойилни шакллантирди:

1. Аёллар ва эркаклар – шериклар (*shaqā'iq*);
2. Оила жамиятнинг маънавий-ижтимоий пойдевори ва авлодлар тарбиясининг табиий маркази;
3. Инсонларнинг маънавий ва иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланиши ва ҳимоя қилиниши лозим;
4. Ҳукмдорлар, хоҳ шоҳлар бўлсин, хоҳ президентлар, шунчаки ўз халқлари номидан иш юритадиган воситачилар;
5. Умумий маслаҳат (*шўро*) – ҳукуматнинг асосидир; ҳар бир миллат ўз манфаатларига мос келадиган усулни танлаши зарур;
6. Хусусий мулк ҳуқуқлари ва шартлари ҳимоя қилиниши керак. Миллат – менсимаслик ёки куликка тоқат қилмайдиган бир бутун яхлит бирликдир;
7. Мусулмон давлатлари *даъват* учун масъулдирлар;
8. Диний фарқлар душманлик ёки жанжалга сабаб бўлмаслиги керак;
9. Мусулмонларнинг халқаро ҳамжамият билан муносабатлари инсон қардошлиги тўғрисидаги келишувларга асосланиши лозим; Мусулмонлар ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмасдан, мунозара ва ишонтириш йўли билан *даъватни* олиб боришлари даркор;
10. Мусулмонлар инсониятнинг ахлоқий ва моддий фаровонлигига ҳисса қўшишлари керак.

Бу тамойиллар мусулмон жамиятларида диний ислоҳотга қаратилган эди.

Ал-Ғазолийнинг айрим асосий ташвишларининг сабаблари қуйидаги ўзаро боғлиқ масалаларни ўз ичига олган: Исломнинг қисман тақдимоти, мусулмон маданиятининг ҳозирги аҳволи, ҳаётга салбий муносабат, мусулмон оламидаги фатализм, сабабийлик тамойилини тушунмаслик, мусулмон жамиятларида мақтанчоқлик анъаналари, заифлик ва пасайиш даврларида аёлларнинг аҳволи, араб адабиётининг паст даражаси, бойликни ёмон бошқариш ва сиёсий коррупция. Унинг доимий танқидлари фақат озодлик ва мустақиллик муҳитида қабул қилиниши мумкин бўлгани учун у ҳеч бир мусулмон ҳаракатига мос тушмади. У мусулмонларнинг дунёдаги мавқеини тиклаш

максадида мусулмон манбалари талқинини қайта кўриб чиқиш ва поклашдан манфаатдор эди.

Ал-Ғазолий ўз асарида илҳомлантирувчи воқеликлар акс этганига ишонган. Улар мўминлар қалбида яшайдиган онгни рағбатлантиришга ва мусулмонлар учун бебаҳо бўлган турли маъноларга калитлар беришга қаратилган. Унинг асарлари бир вақтнинг ўзида шахс ва жамиятнинг ақлий ва ҳиссий эҳтиёжларини қондиради. Унинг асарлари фикрлар ва ҳиссиётларнинг аниқ ва ноаниқ ифодасини таъминлайди, асосан, жўшқин ҳис-туйғулар ва қизиқарли тақдимотлар билан таъсирланади.

Ал-Ғазолийнинг касбий ва ижодий ҳаёти

Ал-Ғазолий Миср вақфлар вазирлигида Исломни омалаштириш бўлимининг маъмурий иерархиясида аста-секин юксалиб борган. У масжидлар нозири, Ал-Азҳардаги воиз, масжидлар ва таълим бошлиғи, ва ниҳоят “*Тарғибот ва раҳбарлик ассоциацияси*” (*al-Da'wah wa al-Irshād*) Директори этиб тайинланди. 1971-йилнинг 18-июлида ўша пайтда ал-Азҳардаги Ишлар ва вақфлар вазири Абдулазиз Комил уни котиб ўринбосари этиб тайинлади. 1981-йилнинг март ойида Миср Президенти Анвар Садат (1970-1981) уни Вақфлар вазирлигида *даъват* бўйича котиб ўринбосари этиб тайинлади. Ал-Ғазолий ўзининг ёзма хабарлари, нутқлари, хутбалари, лекциялари, радио ва телевизион дастурлари орқали Мисрда ва бошқа жойларда мусулмонлар онгига сезиларли таъсир кўрсатган деб ҳисобланади. У қўллаб-қувватлаган кўплаб ташаббуслар қаторида ал-Ғазолий аёлларнинг кўп масжидларда қатнашишини таъминлади.

Ал-Ғазолийнинг Мисрдаги шарт-шароитларни кескин танқид қилиб, Ислом ва мусулмон жамиятига қарши фитналарни очиб берган лекция ва нашрлари Миср ҳокимиятидан норозиликларни келтириб чиқарди. Ал-Ғазолийга огоҳлантириш берилган, аммо у ўз ишини давом эттиришга қарор қилган ва шундан сўнг унинг диний фаолиятига тақиқ кўйилди ва 1974-йилида Миср ҳукумати томонидан қора рўйхатга киритилди. Амр ибн ал-Осс масжидида хутба ўтказиш

такиклангач, ал-Ғазолий Жиддадаги Қирол Абдулазиз университетида, сўнгра Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги Ум Ал Куро университетиде лавозимга эга бўлди. У ерда радио дастурлар ва газеталар орқали *даъват* ишини давом эттирди, аспирантларни ўқитди, шунингдек, мусулмон университетларининг турли илмий кенгашларида хизмат қилиб, *даъват* бўйича агентликларида иштирок этди. Масалан, ал-Ғазолий Қатар Университетида Шариат факультетининг ривожланишига ва оммавий ахборот воситалари, масжидлар ва уюшмалар орқали Ислом ҳақидаги билимларни тарқатишга энг катта ҳисса қўшган. 1984-йили ал-Ғазолий Жазоирнинг Константина шаҳридаги ал-Амир Абделқодир университети Илмий Кенгаши раиси етиб тайинланди. У Жазоирда беш йил илм-маърифат йўлида хизмат қилгач, 1989-йили Мисрга қайтиб келди.

Ал-Ғазолий Мисрдаги сўнгги сафари давомида Куръон, Суннат, мусулмон ақлий меросини ўрганиш методологияси ва замонавий мусулмон масалалари бўйича жиддий тадқиқот ишларини олиб борди. Бироқ, ал-Ғазолий илмий фаолияти давомида доимий равишда *даъватга* катта қизиқиш билан қараган. Ал-Ғазолийнинг *даъват* фаолияти мусулмонларнинг ақлий, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кўп жиҳатларини қамраб оладиган диний нуқтаи назарни таклиф қилади, шунингдек, диний ва ижтимоий муаммоларнинг илдиз сабабларини ўрганади. Ал-Ғазолийнинг хиссаси, хоҳ “Мусулмон биродарлар”, хоҳ мусулмон университетлари, хоҳ Вақфлар вазирлиги орқали бўлсин, анъанавий Ислом номидан юритилган. Шу билан бирга, унинг анъанавий ёндашуви янги истиқболларни тарғиб қилган, замонавий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган, диний расмиятчилик аҳамиятини пасайтирган ва замонавий диний тартибни танқид қилган.

Унинг асарларида жамият ва маданият муаммолари тасвирланган, туғма заифликлар ва муваффақиятсизликларни аниқлаш ва *даъват* олдида турган масъулият ва муаммоларни ёритишга ҳаракат қилинган. Унинг улкан ақлий билими ва турли хил тажрибалари *даъват* тушунчаларини ишлаб чиқишда, *даъват* учун маданий тўсиқларни ўрганишда, *даъватнинг* ҳуқуқий оқибатларини кўриб чиқишда,

шунингдек, ўқимаган, тайёргарлик кўрмаган, рухий жихатдан заиф ва чекланган даъватчи томонидан замонавий *даъват* уринишларини танқид қилишда намоён бўлди. Унинг асарлари муқаддас ва дунёвий, дин ва замонавийлик, диний ва кундалик ҳаёт ўртасида мантикий алоқани ҳам ўрнатади.

Унинг фикри замонавий Ислом ислоҳотининг асосий ғояларини, шу жумладан, устози Ҳасан ал-Баннонинг Исломни ҳар томонлама қамраб олувчи табиати ва диний ва дунёвий олам ўртасида ўрнатилган сохта дихотомия (иккиламчилик) билан боғлиқ қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Бироқ, ал-Ғазолий кенг диний нуқтаи назардан гапириш ўрнига, *даъват* ва ҳаёт ўртасидаги янги муҳим муносабатларга эътиборни қаратишни танлади, шунинг учун *даъват* ҳақидаги тезисининг марказида замонавийлик муаммоларини кўйди.

Иккинчи боб

Даъватнинг назарий таҳлили

Ал-Ғазолий томонидан *даъват* учун таклиф этилган концептуал асос диний, маданий ва ижтимоий-иқтисодий контекстни ажратиб олади ва таъкидлайди. Ал-Ғазолий *даъватни* икки муҳим тушунча билан боғлаган. Биринчиси – туғма инсон табиатидир ва *даъват* амалиётининг инсон табиатига мос келадиган йўللарни ўрганиш ва кашф этишга уриниш. Иккинчиси, бу *даъватнинг* ижтимоий-иқтисодий ва маданий контексти бўлиб, у нафақат ҳозирги *даъватга* тўсқинлик қилувчи ижтимоий ва иқтисодий масалаларни муҳокама қилишни, балки *даъватнинг* муҳим сифати ва жамиятнинг ўзгарувчан табиати ва эҳтиёжлари ўртасидаги умумий кучни ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, *даъват* ва озодликнинг мутаносиблиги, шунингдек, ал-Ғаззолийнинг *даъват* универсаллигининг ривожланиши унга мусулмон дунёсининг географик чегараларидан ташқарида *даъватни* қай даражада ўрганишга имкон берганлиги тўғрисида долзарб саволлар туғилади.

Ал-Ғазолийнинг концептуал асоси

Ал-Ғазолийнинг концептуал асоси ва унинг *даъватни* ўрганишга бўлган ёндашувининг ҳиссасини кузатиб, ал-Ғазолий Куръонни *даъватнинг* моҳияти, унинг тараққиётининг кенг камровли ҳисоботи ва диний хабарни етказишда дуч келган қийинчиликларнинг тавсифи сифатида қараганини таъкидлаш муҳимдир. Бундан ташқари, у аввалги пайғамбарлар томонидан ўрнатилган *даъват* моделларига асосланади. Куръоннинг пайғамбарларга нисбатан *даъват* ҳақида оятлари илоҳий хабарни узатиш давомида пайғамбарлар доимий равишда бир тамойилга, яъни ҳеч қандай моддий товон ёки мукофот эвазига қутилмаганига урғу берганликларини кўрсатади. Пайғамбарлар ҳикоя соғувчилари ёки шуҳратга *даъвогарлар* эмас эдилар. Улар беришди, лекин эвазига ҳеч нарса олмадилар, қурбон бўлишни афзал кўрдилар ва фойда ёки хизмат изламадилар. Ал-Ғазолийнинг фикрича, бу мисоллар *даъват* дунёвий мақсадлардан ташқарида бўлиши кераклигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, пайғамбарларнинг *даъвати* бевосита, содда, тушунарли, самимий ва раҳмдил эди. *Даъватга* хос шаффофлик уларнинг аниқ ва бир маъноли хабарида яққол кўринади. Пайғамбарлар шахсиятидан қатъий назар барча одамлар, дўстлар ёки душманлар билан учрашиб, улардан диний хабардан ҳеч нарсани яширмаганлар. Бинобарин, *даъват* очиқ ва ошкора бўлиб, унинг асосий ёки иккинчи даражали масалалари ҳар кимга, кенг жамоатчиликка, оммага ва элитага маълум. *Даъват* ҳеч қандай махфий саволларни яширмаслиги ёки баъзи жиҳатларни ошкор қилиб ва бошқасини яширмаслиги шарт эмас. Бундан ташқари, ал-Ғазолий хабарнинг буюклиги ақлни тан олишда, тахминлар ва шубҳаларни тўлиқ инкор этишда ҳамда ишончлилик ва ҳақиқатга содиқликда намоён бўлишига ишонч ҳосил қилади. Бунақа диндорлик ақлни чидаб бўлмас нарсаларга тўйдирмайди ва уни хаёл оламига солмайди. Эҳтимол, бу илоҳий эътиқодлари асосида ал-Ғазолий *даъватни* илмий тадқиқот соҳасига жалб қилиб, диний тушунча ва талқинларни янада мустаҳкамлаш мақсадида, *даъват* руҳини доимо илм мантиғи билан боғлашга интилар эди. Дарҳақиқат, Ал-Ғазолий учун диндорлик ва илм-фан ўртасидаги кўприк жуда муҳим, чунки дин

илмни менсимаса, ақлни камайтирса ёки динни дунёвий дунё билан яраштиришга қаршилиқ қилса, ўз маъносини йўқотади. Бироқ, ал-Ғазолийнинг дин ва диндорлик каби масалаларга ёндашуви диний хабарнинг тушунчасига асосланган мавжуд мақсадлар ва қатламларга қаратилган. Бу мақсадлар ваҳийни назорат қилиш, яхшиликни ёйиш, солиҳликни тарғиб қилиш, иймонни ҳимоя қилиш ва ваҳийни фазилатнинг таъминловчи манбаи сифатида талқин қилиш, шунингдек, муҳтож бўлган халқларга буюк маъноларни етказиш орқали уни диққат марказида тутиш зарурлигини ўз ичига олади. Диний хабар мазлум ва қашшоқ халқлар учун адолат ва эркинликни сақлаб қолишга, мотивация ва йўл-йўриқ орқали ишонч ва тақвони кучайтиришга, Худони унутган қалбларни уйғотишга ва ҳаракатсиз ғояларни юргизиб юборишга интилади.

Дин ва диндорликнинг бу тавсифига асосланиб, ал-Ғазолий *даъватни* иймон билан бир вақтда туғиладиган деб, иймон, маросим ва ахлоқнинг эгизаги сифатида таърифлайди. Унинг учун *даъват* – бу коинотдаги энг кимматбаҳо ҳақиқат учун ҳидоят, эзгуликка йўналиш ва ҳалокатдан ҳалос бўлишдир. Ал-Ғазолий *даъват* доирасини ягона фаолиятга камайтириш асоссиз эканлигини таъкидлаган. Натижада у *даъватни* оташин насихат, ҳаяжонланган ҳис-туйғулар, кундалиқ нутқ, курашга рағбат сифатида англаётганларни, ҳатто воизлик кенг диний фаолият доирасининг фақат бир жиҳати эканини англай олмаётганларни танқид қилган. Шунга асосланиб, ал-Ғазолий “*даъий*” (*dāʿiyah*) унвонини фақат воизлар ёки имомларга тайинлашни маъқулламаган. Унинг учун *дуъат* адолатли ҳукмдор, ваколатли ҳуқуқшунос ёки қонун чиқарувчи, ёзувчи, содиқ воиз ҳамда адолатсизлик ва зулмга қарши чиқувчиларни ўз ичига олади.

Ҳар бир инсон диний, ижтимоий, маданий ёки сиёсий ҳаётга шахсий ёки жамоавий ҳисса қўшиши мумкин. *Даъват* барча турдаги ишчилар ва кўнгилчиларни ўз ичига олган стратегик ислохотлар воситасидир. Ал-Ғазолийнинг *даъват* ҳақидаги тушунчаси яхлит бўлиб, унинг Ислом ислохотида кенг ёндашувини акс эттиради. Бироқ, унинг *даъват* ҳақидаги кенг дунёқароши, *даъват* ва ўзгариш тушунчаси ўртасида чамбарчас боғлиқликни англатади, чунки *даъ-*

ват нафақат диний таълимотларни етказиш ёки мусулмон жамоасига Муқаддас Китобни талқин қилишни ўз ичига олади, балки жамиятни ислоҳ қилишда иштирок этганларнинг кўплаб ҳиссаларини ҳам қамраб олади. *Даъват* тушунчасининг кўлами исломий кўлланмалар моҳиятининг яхлитлигига бўлган ал-Ғазолийнинг эътиқодлари ва динни тушунишнинг бўлак бўлмаслигини англаш асосида кенг ижтимоий ўзгаришларни қамраб олиш учун унинг доирасини кенгайтиришни назарда тутлади.

Фитрат

Фитрат тушунчаси ал-Ғазолий ундан дастлабки инсоний мойилликлар ва илоҳий идеалларга кўтарилиш доирасида *даъват* ўрнатиш учун фойдаланганлиги сабабли унинг тезисида марказий роль ўйнайди. Ал-Ғазолий бир томондан, *даъват* ва туғма инсон табиатининг хусусиятлари ўртасида яқин алоқа ўрнатишга, иккинчи томондан, диний тараққиёт ва соғлом *фитрат* ўртасида чинакам, аммо мутаносиб тенглама ишлаб чиқишга интиланган. Бироқ, асосий тахмин шундан иборатки, *даъват* инсоннинг маънавий, ахлоқий ва диний камолотга кўтарилиши учун қулай муҳитни яратади, шу билан бирга мавжуд бўлган интуитив билимларга яқунловчи ясашни таъминлайди, аммо унга янги таълимотни киритмайди.

Бироқ, энг асосий даражада ал-Ғазолий Исломни *фитратнинг* дини деб ҳисоблаган. Ал-Ғазолийнинг фикрича, *фитрат* соғлом ақл ва соф кўнгилдан иборат. Унинг таъкидлашича, *фитрат* атамаси *даъват* доирасида ишлатилганда, бу фақат соғлом *фитратни* билдиради. Ал-Ғазолий одамларни Яратувчига олиб борадиган соғлом ақл билан туғилганини, шунингдек, коррупция ёвузлик ва шармандалик эканлигини тушуниб, ундан узоқ масофада туриш кераклигини таъкидлайди. Ал-Ғазолий ахлоқий ҳаракатни аниқлаш охир-оқибат ваҳийни эътиборсиз қолдирадиган ва фақат ўзбошимчалик билан маъқуллаш ёки рад этишни кўзгатадиган инсон ҳаракатларининг оқилона фалсафасини инкор этишни талаб қилади, деган фикрни ҳимоя қилган. Шу асосда ал-Ғазолий амалларнинг ахлоқий баҳосини *даъватга* хос туғма хусусият сифатида белгилаш учун *даъватни* яхшилик ва ёмонликни ажратиш мезонларига боғлайди.

Ал-Ғазолийнинг фикрига кўра, Худога бўлган ўз йўналишининг аниқ туйғуси ва мукамал ахлоқ туғилишдан сингдиради. Унинг учун болалар мукамал ахлоқни ривожлантиришга тайёр бўлиб туғиладилар, аммо улар касалликка қарши курашиш учун етарлича ғамхўрлик қилсаларгина ширин бўладиган меваларга ўхшайдилар. Бу дегани, шахсий танловга эга бўлган одамлар охир-оқибат ўзларининг Яратгувчисига бориб, илоҳий ички сабабларини кашф этадилар, никоҳсиз муносабатлардан олдин никоҳга устунлик беришади, маст бўлишидан кўра ҳушёр турадилар, худбинлик билан эмас, балки саховатли ҳаракат қилишади, ва алдов йўли билан эмас, самимийлик билан. *Фитрат* орқали одамлар адолат яхши, ёвузлик ёмон, билим шараф, жоҳиллик шармандалик, иффат камолот сари таррақиёт, ахлоқсизлик эса коррупция эканлигини тушунадилар. Ал-Ғазолийнинг тушунтиришича, озгина илоҳий илм билан ҳам *фитратнинг* поклиги одамларни Худони билиш ва Унинг адолатини тан олишга етаклайди. Одамлар тайёр, яъни *фитрат* йўлига эргашиш, иймон ва фазилатни қабул қилиб, уларга амал қилиш учун имтиёз ва мотивация билан туғиладилар. Аллоҳ ёлғонга қарши туриш учун *фитратга* фазилатларни беради. Бу фазилатларни эътиборсиз қолдириш муваффақиятсизликларга олиб келади ва қиёмат кунда одил синовни оқлайди. Ушбу хусусиятлар хурофот фикрлашга қарши туриш, уни рад этиш ва унга эътироз билдириш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш, ахлоқсизликни рад этиш, шунингдек, хайрихоҳлик билан ва адолатли ҳаракат қилиш қобилиятини ўз ичига олади.

Ал-Ғазолийнинг фикрича, *фитратга* яқин бўлган ҳар қандай цивилизация Ислом моҳиятига яқиндир. Бундан ташқари, унга кўра, замонавий Ғарб цивилизацияси инсон танасини бостирадиган ёки камситадиган диний таълимотлардан кўра *фитратга* яқинроқ. Хусусан, Ғарбнинг, айниқса, сиёсатдаги замонавий анъаналари Ислом динига яқинроқ. Ал-Ғазолийнинг *фитрат* ҳақидаги тушунчаси кўпроқ умуминсоний кадриятларни соғлом *фитратнинг* амал кўрсаткичлари деб ҳисоблаш учун анъанавий диний таърифлардан ташқарига чиқади. Ҳақиқий дин – бу ҳақиқатни илм-фан орқали ақл билан аниқлашни, миф ва хурофотларга қарши чиқишни ўз ичига олган тўғри йўлдаги инсонпарварликдир. (*al-insāniyyah al-ṣaḥīḥah*)

Ал-Ғазолийнинг *фитратга* бағишланган муҳокамаси шуни кўрсатадики, унинг ҳиссаси соғлом диний ўсиш ва ижтимоий фаровонлик ўртасидаги мутаносиб муносабатда, шунингдек, *фитрат* компонентини *даъватнинг* тафаккур тизимига мустаҳкам киритишга уринишда ётади.

Даъватнинг универсаллиги

Ал-Ғазолийнинг сўзларига кўра, Муҳаммад Пайғамбарнинг (солаллоху алайҳи ва саллам) хабари ҳамма даврларда фақат битта дин бўлганлиги ва пайғамбарлар Юритувчини таништирган ва кишиларни Унга йўналтирган биродарлар, деган эътиқодга асосланган ҳолда универсаллик тушунчасини ривожлантиради. Ал-Ғазолий *даъватнинг* универсаллигига нафақат у фаолият кўрсатадиган катта географик ҳудуд нуқтаи назаридан, балки, вақт ва макондан қатъи назар, ҳамма жойда барча инсониятга мурожаат қиладиган Қуръон ва Суннатнинг қўлланмаси ва таърифи асосида ёндаши.

Ал-Ғазолий кенг кўламли ислоҳотлар ва инсонпарварлик саъй-ҳаракатлари муҳимлигини ҳам таъкидлади. Бундай истиқбол, ушбу универсалликни ўраб турган ҳиссий ва маданий тўсиқларни енгиб ўтишга, шунингдек, маданиятлар, жамоалар ва жамиятларни бирлаштирадиган кўприкларни яратишга қаратилган. Ал-Ғазолий учун яхшиликни тарқатиш, тақводорликни ҳимоя қилиш ва ёвузликка қарши туриш умуминсоний вазифалардир. Бу шуни англатадики, тарғибот, шунингдек, яхшиликни ҳимоя қилиш ёки ёмонликка қарши курашиш, уларнинг она жамиятларида мусулмонларга юклатилган маҳалий вазифалар эмас, балки умумбашарий мажбуриятлардир. *Даъватга* нисбатан универсаллик атрофимиздаги дунёни, шу жумладан, турли диний жамоаларни ўрганишни талаб қилади. Ақлий ва ҳиссий ислоҳотлар билан шуғулланаётган *даъватчилар* умумбашарий тафаккур билан танишиб, уларни яхшилаш учун одамларнинг турмуш шароитини тушунишлари керак. Шундай қилиб, мусулмон олимлари Исломни ташқи дунёга тақдим этиш нуқтаи назаридан ёки шубҳаларга жавоб бериш борасида умумжаҳон *даъват* стратегияларини ўрганишлари лозим. Бас, мусулмонлар бошқаларга ижобий муносабатда бўлишлари керак. Бироқ, юқори даражада *даъват*

нинг универсаллиги мусулмон жамияти учун ахлоқий ва иқтисодий шароитларни яхшилаш билан боғлиқ, худди Муҳаммад Пайғамбарнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) издошлари ўзларининг динини бошқа халқларга етказишда уларнинг олижаноб феъл-атвори ва ишонтирувчи тилига таянганларидек.

Ал-Ғазолийнинг фикрига кўра, Исломнинг универсаллиги, афсуски, мусулмонлар ҳаддан ташқари таъкидлайдиган, аммо уни қўллаш ҳақида гап кетганда эътибордан четда қоладиган иборасидир. Замонавий мусулмонлар ўзларининг чалкашликлари, ифлосланган маданиятлари ва золимона сиёсий тизимлари туфайли бу умумбашарий тушунчани амалга ошира олмайдилар. Мусулмон жамиятининг ҳозирги шароити ҳатто Исломнинг кадр-қиммати ва ундан одамларнинг қай даражада фойда олиши ҳақида шубҳа уйғотмоқда.

Ал-Ғазолийнинг мусулмонларнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериши уни нима учун маҳаллий ва халқаро миқёсда Ислом ҳақида юмшоқ тушунча киритиб, *даъватнинг* универсаллигига жуда кам хизмат қилганликларини саволга олиб келди. У бу қисман илк мусулмонларнинг юнон фалсафаси билан машғул бўлганлиги туфайли содир бўлган, деб ҳисоблайди, гарчи аслида улар турли хил илмий интизомларда, ахлоқ қоидаларида ва бизнесда Ислом тавҳиди ва Қуръоний фалсафасини таъкидлашлари ва намоёиш этишлари керак эди. Ал-Ғазолийга кўра, сиёсий турғунлик, асосан, таълим ва кўлланма дастурларига амал қилиш ўрнига, назорат ва ҳокимиятга ташналикдан бўғилган ҳукмдорлар туфайли, *даъватни* кенг ёйиш ниятида расмий Ислом сиёсатини ҳам талади.

Даъват, жамият ва маданият

Ал-Ғазолий ижтимоий ислоҳот билан биргаликда иқтисодий шароитнинг таъсирини *даъватни* амалга оширишнинг асосий элементлари деб билган. Ал-Ғазолийнинг фикрича, ижтимоий ва маданий муҳитнинг динга, шунингдек, шахсий ва ахлоқий хулқ-атворга таъсири шубҳасиздир. Бинобарин, ахлоқий ва ижтимоий муҳитга сезиларли таъсир кўрсатиш унинг учун диний хабарни муваффақиятли тарқатишнинг шарти эди. Унинг фикрича, иқтисодий

эхтиёжларни бошдан кечираётган жамиятларда ахлоқий жиноятлар ва иллатлар тез-тез туғилади ва гуллаб-яшнади. Унинг айтишича, бузилган муҳит *фитратнинг* табиатини бузади ва уни касалликларга дучор қилади. Одамлар дастлаб иймон шароитида туғилишади ва тушунчага эга бўлишлари, шунингдек, салбий одатларнинг оқибатлари бартараф этилиши биланоқ дин ва унинг таълимотлари билан боғланишига тайёрлар.

Ал-Ғазолий ҳам *даъват* ва камбағаллик ўртасидаги боғлиқликни кўради. Шундай қилиб, унинг таъкидлашича, аввало инсоннинг асосий эҳтиёжлари қондирилиши лозим ва шундан кейингина одамлар ўзларининг иймонларини чуқурлаштиришларини кутилмоқда мумкин. Унинг “*душат*”ни (яъни *даъватчиларни*) танқид қилишининг аксарияти қашшоқликда қандай қилиб *даъват* самарали бўлиши кераклиги билан боғлиқ. Ал-Ғазолий бир неча уринишларга қарамай, қандай қилиб *даъват* ҳали камбағал ижтимоий табақаларда эътиқод, ахлоқ-одоб ёки хайрли ишларни жорий этиш учун ҳали муносиб муҳит топа олмаганлигини баён этган.

Ал-Ғазолийнинг фикрича, бу ҳолат даъватчилардан маънавий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Одамларни Тангрига йўналтиришдан олдин, кенг кўламли иқтисодий ислохотларни амалга ошириш керак, чунки бузуклик ва ахлоқсизлик Ислом номи билан курашмоқчи бўлса, бу қабул қилиниши мумкин эмас. Ал-Ғазолий иқтисодий шароитнинг такомиллашувини *даъват* учун ўта муҳим деб ҳисоблаган ва мусулмон жамиятларининг иқтисодий ривожланиши билан *даъватнинг* ўртасида мутаносиб муносабатлар мавжудлигига ишонган. Шундай қилиб, ал-Ғазолий муассасаларни диний таълимнинг асосий воситаси ва умуман *даъват* ва Ислом ислохотини амалга оширишнинг шартли сифатида ислоҳ қилиш дастурларини давом эттиришга ундаш билан бирга, *даъватчиларни* ижтимоий ва иқтисодий контекстни *даъватнинг* тушунчаси ва амалиётига сингдиришга ўргатди.

Ал-Ғазолийга кўра, афсуски, даҳшатли анъаналар мусулмон ҳаётини дин номига назорат қилишда давом этмоқда. Бундан ташқари,

Ислом таълимоти сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдан йўқолиб, диний ибодат эса руҳсиз қолган ва маъносиз маросимларга айланган. Ал-Ғазолий *даъватнинг* ўз хабарини хавф остига қўйиб, ўрта аср ва замонавийлик элементлари билан нотўғри аралашиб кетган Ислом тамойилларини етказиш орқали муаммоларни янада чуқурлаштиришини таъкидлайди. Шундай қилиб, Ал-Ғазолий мусулмонларни жоҳилиятнинг илк даврига бориб тақаладиган урф-одатлардан воз кечишга чақиради. Масалан, аёлларнинг турли шаклдаги зулми, хусусан, таълим-тарбиясига эътиборсизлиги, масжидларга қатнаши тақиқланиши, уларнинг яхшиликлардан баҳраманд бўлишига ва ёмонликлардан қочишига тўсқинлик қилиши ва ҳар қандай гуноҳ учун жазони ошириши ҳақида. Унинг фикрича, Исломни тўғри тушунмаслик баъзи кўчманчи аъёнларнинг мусулмон ҳуқуқшунослигига кириб боришига олиб келган.

Даъват ва эркинлик

Ал-Ғазолий ақл ва виждон эркинлигини диндорликнинг асосий пойдевори ва диннинг пайдо бўлиши, ўсиши ва гуллаб-яшнаши учун асосий муҳит деб билган. Ал-Ғазолийнинг фикрича, ақлий эркинлик *даъватнинг* асосини ташкил этади ва илоҳий мукофот ва жазонинг энг муҳим мезонидир. Сўз эркинлиги ҳақорат ва таҳдидларни эмас, балки конструктив танқидни ва ишончли мунозаралар орқали ақлий позицияларни танқид қилишни ўз ичига олади. Ал-Ғазолийнинг сўзларига кўра, диний хабарлар онгга одамларнинг ишонишга мажбурлигини кўрсатмайдиган кенгайтирилган мулоқотда иштирок этиш учун керакли эркинликни тақдим этган. Масалан, Ислом ҳар қандай истибод ва зулмдан холи, бағрикенглик муҳитини яратишга интилиб, тинч муҳиtida мулоқимлик билан ишонтиришга интилади. Шундай қилиб, иймон мутлақ ақлий эркинликка асосланган нарса, шунингдек, унинг натижаси сифатида кўрилади; мўъжизадан фойдаланмасдан яратилган нарса (бу аслида ақлий қобилиятларни сиқиб чиқаради) ва инсоннинг ақл-идрокига ёки хоҳишига босим ўтказади.

Ал-Ғазолий иймон-эътиқодни эркин фикрлаш, ирода ва виждоннинг якуний оқибати, ақл-заковат ва ишонтиришнинг натижаси экан-

нини исботлаш учун Қуръондан юзга яқин оятни санаб ўтади, бу эса *даъватдаги* мажбурийликни кетказишни талаб қилади. Ал-Ғазолий яна сўз эркинлиги, дин эркинлиги, асосий эҳтиёжларни қондириш эркинлиги ва таъқибдан озод бўлиш каби турли хил эркинликларни санаб ўтди.

Ал-Ғазолий нуқтаи назарида ишонтириш ва баҳс – таъсирли, қўрқув ва куч эса – ўринсиз. Мантиқнинг ўзи динга келганда, мажбурлашнинг ҳар қандай шакли одамларни ҳайдаб чиқаради ва иймонни кучайтириш ўрнига диний адашларни тарғиб қилади. Динга риоя қилишга мажбур бўлган одамлар, қатъий диний урф-одатларга дуч келган тақдирда ҳам, диндор ҳисобланмайдилар. Динга мажбурлаш Муҳаммад пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) ёки солих халифалар ҳаётида қўллаб-қувватланмайдиган ақлий жиноят сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам ал-Ғазолий *даъватчиларни* одамларга йўл кўрсатувчи ғамхўрлик қилишга, фойда тўплашни ҳаёт мазмунига айлантирмасликка чақиради, чунки иккинчиси уларни қароқчилардан бошқа қилмайди.

Ал-Ғазолийнинг фикрига кўра, пайғамбарлар биродарлардир, уларнинг маънавий яқинлиги кишиларни бирлаштирган бўлиб, уларда парчаланиб кетган ёки тарқоқ ҳолда эмас, балки уларда ҳамкорлик ва хушёкиш туйғуларини уйғотмоқда. Ал-Ғазолий томонидан эълон қилинган ўнта тамойилдан тўрттаси бутунлай *даъват* ва диний ҳамкорликка бағишланган, саккизинчи тамойил эса диний фарқларга ва улар душманлик ёки баҳтсизликнинг қандай олдини олишлари керак эканлигига. Ал-Ғазолийнинг фикрича, инсоният бир умумий манбадан келиб чиққан, яратилиш ёки ҳаётга нисбатан бир-биридан афзал бўлмаган битта оиладир.

Умуман олганда, ал-Ғазолий асарлари *даъватни* ҳар қандай зўравонлик, золимлик ва эксплуатациядан узоқлаштиради. “*Даъий*”, яъни *даъват* қилувчи ҳам, “мадъу”, яъни тақлиф қилинган ҳам тенг эркинликдан баҳраманд бўлади. Ал-Ғазолий ижодида эркинлик ҳақидаги қараш ўзининг ижтимоий ва сиёсий тажрибасидан ташқарига чиқади ва кўп жиҳатдан ишонтириш ва танлашга боғлиқ. Бу

нуктаи назар асл, инсонпарварлик, реалистик ва, албатта, диний бўлиб чиқади. Ал-Ғазолий асарларида *даъват* инсоннинг ҳис-туйғулари ва ақл-заковатиغا катта эътибор қаратадиган очиқ ва чидамли ўзгариш жараёни сифатида намоён бўлади. У умумбашарий қадриятларга зид келмасдан, табиий дин деб аталган нарсаларнинг қадриятларини оқилона етказди.

Учинчи боб

Дуъат (Исломга *даъват* қилувчилар)

Ушбу бобда ал-Ғазолийнинг *даъватчиларнинг* вазифалари, уларнинг маънавий-ахлоқий ва тарбиявий сифатлари, шунингдек, *даъват* муносабати билан юзага келган муаммо ва чақириқлар ҳақида фикр юритилган. Ал-Ғазолийнинг уларнинг қарашларини танқид қилиши ҳам кўриб чиқилган. Бу бизга *даъват* фаолиятининг табиати ва қўлланилишини, шунингдек, *даъватни* маънавий ва ахлоқий фазилатларга тааллуқли ал-Ғазолий моделининг аҳамиятини тушунишга ёрдам беради. Бу, шунингдек, унга ушбу малакаларни *даъват* амалиёти учун ажралмас деб ҳисоблашига сабаб бўлган вазларни аниқлашга имкон беради ва уларсиз *даъватчилар* муваффақиятсиз бўлишига ишонган. Бу малакаларнинг муҳокамасида ал-Ғазолийнинг ҳозирги замон *даъватчиларнинг* таълим стандартларини ва *даъват* амалиёти учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни англаш борасидаги фикри ҳам ёритилган.

Дуъат вазифалари

Ал-Ғазолийнинг фикрича, Ислом, аслида, *даъватга* жуда мос келади. У мусулмонларни ўзлари ўрганишга ва бошқаларни ўргатишга, амин бўлишга ва бошқаларни ишонтиришга ундайди. Ислом Яратувчи ҳақида чуқур билим беради, шубҳа қилганларга ишонч беради ва барча инсонлар учун такво ўрнатади. Шунингдек, инсон ва жамият табиатини ўзгартиришга, коррупция ва адолатсизликка қарши туришга, салбий урф-одат ва қоидалардан халос бўлишга ва буларнинг ўрнига хайрли анъана ва урф-одатларни сақлаб қолишга ин-

тилади. Диний хабар шундайдир. *Даъватнинг* мақсади инсоннинг самарали ривожланиши ва самимий иймон, тақводор ибодатлар, Раббимиз ва Унинг Расулига (соллаллоху алайҳи ва саллам) бўлган самимият ва муҳаббат ҳамда ер юзидаги ҳаётни яхшилаш орқали мусулмонларни сафарбар этишдир.

Қуръонга биноан, “*дуъат*” унинг оятларини ёдлаб, қироат билан ўқишлари, маънавий покланишга эришиб, одамларга маърифат беришлари лозим. Ушбу вазифалар, пайғамбарлар воизлик қилганларидек, *даъватнинг* муҳим таркибий қисмларидир. Бироқ, *даъватчиларнинг* бевосита фаолият соҳаси ўзлари ва уларнинг гуруҳларидир. Яхши ўрнак келтирар экан, улар бир зумда Худога ишониш учун бошқаларни илҳомлантирадиган, шунингдек, мусулмонларни ҳам, мусулмонлар бўлмаганларни ҳам дин ва ваҳий ҳақида ўргатадиган, Қуръон билан алоқаларини текширадиган намуна бўладилар. *Даъватчилар* ҳақиқатни намойиш этади ва уни яширмайди, иймон хабарини асл ҳолида, моддий дунё таъсирларидан холи қилиб узади. Ижтимоий даражада ва Қуръондан бир неча далилларга амал қилган ҳолда “*даъий*” моддий нафси ўйламасдан Исломиий хабарни мулоқот қилиш орқали *даъватни* истак ва очкўзликдан озод қилади.

“*Даъий*” вазифалари, шунингдек, унинг шахсий ва ижтимоий ривожланиши ҳамда бир вақтнинг ўзида диний ва дунёвий нарсаларга мурожаат қилиш қобилиятини ўз ичига олади. Бу вазифалар нафақат диний ўқитувчилар, воизлар ёки олимларнинг анъанавий масъулиятларини акс эттиради, балки *даъватчиларнинг* Ислом ислоҳотига ҳисса қўшиши ва ўзгаришларнинг ижобий агентлари сифатида ҳаракат қилиши ҳақидаги янги *даъват* нуқтаи назарига мос келади. Бу эса ал-Ғазолий *даъват* ҳақидаги кенг тушунчанинг унинг “*дуъат*” вазифаларини тушунишига қандай таъсир кўрсатганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, бундай кенг қўламли мажбуриятлар “*даъий*”нинг кўп қиррали, мурракаб ва қийин вазифасини бажаради, шунингдек, уларнинг таракқиёти ва ҳиссасини баҳолашни қийинлаштиради. Бу вазифалар *даъват* вазифаларининг кўп қиррали ва мослашувчан услубига эҳтиёткорлик билан ўтишини ҳам кўрсатади. Бу *даъватчиларнинг* қизиқиш доирасини кенгай-

тиради, *даъватни* умумий исломий ислохотнинг асосий воситасига айлантиради ва исломий ислохот билан *даъват* ўртасидаги фарқни йўқ қилади. Бундан ташқари, ал-Ғазолий, *даъватни* тинч ва ижобий исломий ислохотларда иштирок этаётган шахс ва гуруҳлар учун, шунингдек, алоҳида минтақаларда ва бутун дунёда ҳаётни яхшилаш учун маъсул қилди. Уларда воизлар, илоҳиётчилар ва исломий ислохот ҳаракатлари аъзолари иштирок этганлар. Бироқ, танқидларнинг аксарияти диний воизлар ва олимлар ҳисобланган “*дуъат*”га қаратилган. Ал-Ғазолий ҳар икки тоифани ёдда тутди, лекин ҳар бирининг масъулиятини баҳам кўрмайди.

Дуъатнинг маънавий ва ахлоқий фазилатлари

Ал-Ғазолий, *даъватчилар*, авваламбор, ўз-ўзини тарбиялашга муҳтож ва кенг жамоатчиликдан кўра кўпроқ диний ва ахлоқий яхши фазилатларни амалга ошириши керак, деб ҳисоблаган. Масалан, *даъватчилар* олий даражадаги иймон ва ишонч, ғайрат ва яхши фазилатга эришиши лозим. Бу даъватчилардан ўзларининг ахлоқий ва маънавий ҳолатларига диққатли бўлишни, ҳар қандай камчиликларни ёки руҳий ҳасталикларни даволаш учун ўзларини ташхислашни талаб қилган эди. Шунингдек, улар лекцияларини ўзларига эмас, балки фақат тингловчиларига йўналтиришларига йўл кўймасликлари зарур.

Ал-Ғазолийга кўра очкўзлик ва моддий манфаатдорлик *даъватга* мос келмайди. *Даъватчилар* ўз ишлари эвазига моддий мукофот изламайдилар ва изламасликлари керак. Ал-Ғазолийнинг фикрича, *даъватчилар* ишида кўрган бу бегараз бағишлов бежиз эмас, чунки “*даъий*” ахлоқий фазилатларининг асосий пойдевори унинг Тангри билан руҳий бирлигидир. *Даъват* қилганларида *даъватчилар* ўзлари учун эмас, балки Худонинг розилиги учун ҳаракат қилишлари лозим. Уларнинг ниятлари доимо қилаётган ишлари Аллоҳ Таоло учун эканлигига қаратилиши керак ва бу қалбдаги самимиятсиз ва илоҳий билан ижобий алоқасиз амалга ошмайди. Муваффақиятли *даъватчилар* намуна бўлиб, ўзларининг ўрнаклари билан одамларни бошқарадиган, ибодат, хулқ-атвор ва курашда башоратли иродага эга бўлганлардир. Умуман олганда, *даъватчилар* ўзларининг

ёндашувлари ва *даъват* услубларида Ислом таълимотига амал қилишлари ва инсон қалбига мурожаат қилиш орқали ёлғончиликдан тийилиши лозим.

Бундан ташқари, *даъватчилар* ўз ахлоқларини ва билимларини оширишлари зарур, чунки илғор жамиятлар ақлий, илмий ва ахлоқий соҳаларда етакчи бўла олмайдиган, қуйи даъватчиларга эътибор бермайди. *Даъватчилар* қайғу ичида одамларга ҳамдард бўлишлари, уларга сихат-саломатлик ва тоат-ибодат тилашлари, мағлубият вақтида уларга ёрдам беришлари, уларни адолатсизликдан ҳимоя қилишлари ва ёмон муносабатда бўлган ёки таҳқирланган халқ оммасини бирлаштиришлари керак. *Даъватчилар* одамлар билан яқиндан мулоқот қилишлари, улардан ажралмасликлари ва одамларни ҳайдаш ўрнига хушxabарни баҳам кўришлари даркор. Буларнинг барчасида *даъватчилар* шахсий келишмовчиликлардан устун бўлишлари ва одамларни ҳукм қилмасликлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, *даъватчиларнинг* асосий мақсади одамларни ўргатиш, эслатиш ва ҳидоят қилиш, ҳамда Яратгувчига қайтгунларига қадар умид беришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. *Даъватчилар* бошқаларни улар учун яхшиликка умид қилишга чорлайдилар. Улар, агар *даъват* мақсадларига эришилса ва умидсизлик бўлмаса, айниқса *даъват* учун атрофдаги шароит қулай бўлса, қониқади.

Дуъатнинг таълим малакаси

Ал-Ғазолий Куръон нуқтаи назаридан халқларнинг илоҳий танлови ҳар қандай этник ёки географик шароитга эмас, балки инсоният учун фойдали бўлган ақлий ва ахлоқий фазилатларига боғлиқ, деб ҳисоблаган. Ал-Ғазолийнинг фикрича, *даъватчиларнинг* муваффақияти уларнинг кенг ва чуқур таълим олишга бўлган садоқатига боғлиқдир. *Даъватчилар* ҳаётни ва унга муҳитнинг таъсирини тушуниш учун барча турдаги адабиётларни ўқиб, илм-фаннинг барча соҳаларини ўрганишлари даркор. Улар иймон, динсизлик, фалсафа ва Суннат ҳақида ўқишлари, шу билан бирга таназзулга учраган даврлардаги ёзма материаллардан қочишлари зарур. Ал-Ғазолийга

кўра, *даъват* ҳам Қуръон ва Суннатни билишни талаб қилади. *Даъватчилар* мусулмон халифалари тарихини тушунишлари ва замонавий шарт-шароитларни синчковлик билан ўрганишлари бир хил даражада муҳимдир.

Ал-Ғазолий араб тили ва адабиётининг самарали *даъват* учун зарурий дастлабки шарт эканлигини алоҳида таъкидлаган. Араб тилини ўрганиш одамларга мусулмонлар ҳақида маълумот олишга ёрдам беради, уларни ваҳийни тушунишга ундайди ва эътиқодларни етказишни қўллаб-қувватлайди. *Даъватчиларнинг* фикрий шаклланиши гуманитар фанлар, шу жумладан, ахлоқ, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий фалсафани ўрганишни ҳам ўз ичига олиши шарт. Боз устига, улар ҳозирги фикрлаш тенденцияларини тушунишлари зарур. Самарали *даъват* социология, иқтисодиёт, педагогика ва психологияни билишни ҳам талаб этади. Шунга кўра *даъватчилар* гуманитар фанларга исломий нуқтаи назардан ёндашишлари керак. Ниҳоят, *даъватчиларнинг* ақлий шаклланиши табиий фанларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим. *Даъватчилар* физикавий фанларини, шу жумладан, кимё, биология ва астрономияни тушуниши, шунингдек, география, ботаника ва зоология билан танишиши даркор. Рўйхатдаги илм-фанлар, ал-Ғазолийга кўра, *даъватнинг* калитидир, чунки улар даъватчиларга ўз тушунчаларини мослаштиришга, моддий дунё билан муносабатларини текислашга ёрдам беради ва уларга энг муҳим йўл-йўриқ кўрсатади.

Умуман олганда, ал-Ғазолий азим *даъват* моделини шакллантиришга ҳаракат қилиб, унда *даъватчилар* илм-фаннинг турли соҳаларини ўзлаштирган ўқимишли шахслар бўлиши шарт. Бироқ, унинг модели, тадқиқот соҳасига, ақлий ёки анъанавий, моддий ёки ахлоқий жиҳатдан кўп қиррали ёндашишга қодир бўлган, кенг маълумотга эга бўлган ижтимоий малакали кишиларни талаб этади.

***Дуъат* муаммолари**

Ал-Ғазолий *даъват* олдида турган кўплаб муаммо ва чақириқларга ишора қилган. Уларга маданият ва урф-одатлар масалалари, *даъватчиларнинг* намуна сифатида паст қиймати ва уларнинг кам ди-

ний амалиёти, аёлларнинг паст ҳолати, кониқарсиз таълим тизими ва *даъватдаги* нуқсонли муассасалар, *даъватчилар* самарадорлиги, мусулмонларнинг дунёвий ҳаётни тушунмасликлари, ҳуқуқий фарқлар, Куръондаги оятларни бекор қилиш, дунёвий ҳаётдаги муваффақиятсизликлар ва хорижий маданиятлар таъсири киради. Ал-Ғазолийга кўра, буларнинг барчаси танқидий муаммоларни келтириб чиқаради, айниқса, *даъват* оқилона ва кенг ёндашувни талаб қилганда ва мусулмонлар олдида турган ҳолат даҳшатли иқтисодий ва илмий қолоқликдир.

Ал-Ғазолийнинг фикрига кўра, турли ақлий даражалар ва Ислом оқимлари ўртасидаги фарқлар маҳаллий ва халқаро микёсда ижтимоий масъулиятларни эътиборсиз қолдирадиган мусулмонлар ўртасида чуқур бўлинишга олиб келган. Бу эътиборсизлик, ўз навбатида, мусулмонларнинг туғма моҳиятидан кўра, ташқи диний шакллар билан боғлиқ ташвишларидан келиб чиқмоқда. Буларнинг барчаси ақлий, ижтимоий ёки сиёсий таназзулнинг сабаблари, шунингдек, мусулмон шахсиятини эгаллаб олган маданий таъсирлардир. Жаҳолатнинг узоқ давом этган ҳолати ҳам *даъват* устида изланиш ва амалиёт етишмаслигига олиб келди, шунингдек, бузук маданиятлар ва чигал сиёсий ҳаракатларнинг ривожланишига йўл қўйиб, *даъватчиларни* таҳлика остида қолдирди. Натижада Исломнинг умумбашарий хабари аста-секин таназзулга юз тутди.

Ал-Ғазолийга кўра, мусулмонлар Ислом хабарини акс эттирувчи ва илоҳий таълимотларни ҳақиқий қабул қилувчи ва нозил қилинган кадриятларни очиб берувчи идеал намуналарни кўрсатишлари керак. Ал-Ғазолий, хабари бор миллат ўз ҳаёт тизимини шунга кўра асослаши лозимлигини таъкидлаган. Оқибатда мусулмонларнинг фазилати уларнинг чегараларидан ташқарида кўринади ва бутун дунёга тарқалади. Мусулмон ҳукумати ҳам турли муассасалар орқали ўз фуқароларига ғамхўрлик қилиши, адолатни ва тинчликни ҳимоя қилиши ва моддий истакларга қарши чиқиши керак бўлган намуна бўлиши мумкин. Ал-Ғазолий Исломнинг ўрнак моделига айланиши учун мусулмонларнинг кўпгина қисми таълимга муҳтожлигини илгари сурган. Ал-Ғазолийнинг сўзларига кўра, агар мусулмонлар

иктисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим соҳаларида муваффақиятсизликка учрасалар ёки ҳаёт ва унинг илмларини тушунмасалар, *даъват* ривожланмайди. Бинобарин, мусулмонларнинг ақлий ва иқтисодий аҳволи ёмон бўлиб қолар экан, иймон гуллаб-яшнамайди.

Ал-Ғазолий фикрича, замонавий мусулмонларнинг ижтимоий шарт-шароитлари *даъват* муваффақиятига таъсир этибгина қолмай, балки Ислом кадриятлари ва инсониятнинг улардан қай даражада фойда олиши ҳақида ҳам шубҳа туғдирмоқда. Унинг фикрига кўра, номуносиб мусулмон муносабатлари ва ижтимоий парчаланаш одамларни иймондан осонгина узоклаштириши мумкин. Ҳозирги кунда на мусулмонлар, на уларнинг дин пешволари бошқаларга раҳбарлик қила олмайди. Ал-Ғазолийнинг фикрига мувофиқ, мусулмонлар *даъват* стратегиясини шакллантириш орқали ҳам, динни тақдим этиш усулларини ишлаб чиқиш орқали ҳам Ислом кадриятлари ва таълимотларини амалга ошира олмадилар. Диний билим ва ахлоқда таъсир негизини ривожлантириш, хабар узатишга қодир кишиларни тайёрлаш ўрнига, ал-Ғазолий фикрига биноан, мусулмон маданияти, ақл-идрокни танҳолик ва яққалик ҳолатига келтирган. Унинг учун аксарият урф-одатлар асосиз ва қоқлик даврларида пайдо бўлган.

Ал-Ғазолий *даъват* учун жиддий муваффақиятсизликка олиб келадиган бир қатор муаммоларни ҳам муҳокама қилган. Биринчидан, у мусулмонлар тарихини ўрганиб, диний амалиётнинг етарли эмаслиги *даъват* тараққиётига сезиларли даражада тўсқинлик қилишини илгари сурган. Иккинчидан, бу дунё ҳаёти ва охирадаги ҳаёт ўртасидаги зиддият, *даъватнинг* ҳалок бўлишига ва адолатсизликнинг икки асосий турига олиб келди: одамларнинг ҳаётга бўлган муносабатни англамаслик ёки сақламаслик ҳамда илоҳий қўлланмаларни тушунмаслик ёки диний амрларига риоя қилмаслик. Учинчидан, оятларни бекор қилишни (*наسخ*) тушунмаслик. Ал-Ғазолий *наسخ*га салбий муносабатда бўлиб, унда *даъватнинг* бузилишини ва унинг табиатининг гўзалликнинг йўқ қилинишини кўрган эди. Тўртинчидан, *даъватчиларнинг* ҳаддан ташқари ташвиш тортиши, ҳатто ар-

зимас можароларга берилиб кетишидир. Ва ниҳоят, тақводорликка ундаши, янги ақлий соҳаларни кашф этиши, шунингдек, ички ва ташқи тараққиёт йўлидан ҳаракат қилиши, *даъватнинг* ютуқлари ва муваффақиятсизликларидан хавотирда бўлиши *даъватга* ихтисослашган муассасаларнинг йўқлигидир.

Ақлий тараққиётга урғу берилишидан келиб чиққан ҳолда, Ал-Ғазолий *даъватни* такомиллаштириш муҳокамасини Ислом таълими доирасига қўйган. Ал-Ғазолий, *даъват* тушунчасини такомиллаштириш, *даъватни* воқеликнинг макон-замон омили билан бирлаштириш орқали *даъватнинг* бузилаётган ҳолатини тузатишга ва Ислом маданияти тарқалишини яхшилашга интиланган. *Даъватчилар* муаммоларининг ҳар қандай ечими, Ал-Ғазолийнинг сўзларига кўра, жамиятнинг умумий шарт-шароитларини яхшилашга кўшган ҳиссасини акс эттириши мумкин.

Дуъатни танқид қилиш

Ал-Ғазолийнинг *даъватчиларни* танқид қилиши муайян кишилар ёки гуруҳларга қаратилган, бундан ташқари у умумий муаммоларни танқид қилишни ривожлантира олган. Бироқ, унинг ёндашуви ва оҳанглари камроқ ифвогарлик ва кўпроқ конструктив бўлса, унинг танқидлари, эҳтимол, янада фойдали бўларди. Ал-Ғазолийнинг танқиди маълум даражада муваффақиятли бўлди, чунки у *даъватнинг* бу йўналишни, у билан боғлиқ турли ҳуқуқий муаммоларни, шунингдек, *даъват* тамойиллари ва уларни жамиятда тушуниш ва тарқатишни яратган ёки очиб берган. Бироқ, Ал-Ғазолийнинг танқиди муаммоларни кўтаради, лекин уларни ҳал қилиш йўлини кўрсатмайди, бирлик, холислик ёки изчилликни акс эттирувчи тизимли методологияга олиб келмайди ва замонавий *даъватни* яхшилаш учун тизимли, кенг асосланган ҳаракат зарурлигини кўрсатади.

Ал-Ғазолий даъватларининг идеал кифоаси бир қатор танқидий саволларни туғдиради. Биринчидан, “*дуъат*”га мансуб кишилар анъанани замонавийлик билан сингдириб, *даъватнинг* ижтимоий-иқтисодий ва маданий мазмунини тушунишлари асосида ўз маҳоратларидан фойдаланишлари лозим. Агар шундай бўлса, ҳар

қандай кейинги муҳокама ҳам исломий, ҳам замонавий билимларга *даъват* нуқтаи назаридан ёндашиш учун фанларни интеграциялаш жараёнига, шунингдек, қандай методологияни қабул қилиш лозимлигига қаратилган бўлиши керак эди. Ал-Ғазолийнинг, *даъватчиларнинг* таълим стандартларига урғу бериши, қайси исломий таълим муассасалари даъватчиларда кўзда тутилган турли хил кўникмаларни эгаллашларига ёрдам бериши мумкин, деган саволни ўртага ташлайди. Бу яна истиқболлар, ўқув режаси ва ходимлар масаласига олиб келади. Шубҳасиз, ал-Ғазолийнинг бу муаммолар билан қандай шуғулланишга эътиборсизлиги унинг *даъватни* қўллаш бўйича батафсил дастур ишлаб чиқмасдан, фақат *даъват* ва даъватчиларга оид саволларни умумий даражада кўтарганлиги билан тасдиқланади.

Тўртинчи боб

Ал-Ғазолийнинг *даъват* методологияси ҳақидаги қарашлари

Ал-Ғазолийнинг *даъват* методологияси ушбу бобнинг асосий мавзусидир. Биринчидан, унинг *даъватга* ёндашуви ва *даъватнинг* устуворлигини тушуниши, шунингдек, *даъватчиларнинг* қабул қилувчи ақли ва диний воизликка муносабатини муҳокама қилинади. Иккинчи масала *даъват* ва Ислом ҳуқуқи ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир. Учинчиси, *даъват* ва аёллар ҳақидадир. Бу ерда ал-Ғазолий аёлларга оид кўплаб ҳуқуқий масалалар талқинини таклиф этади, хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини қонунийлаштирадиган ва фақат эркаклар эмас, балки аёллар ҳам *даъват* ва Ислом ислоҳотига муайян ҳисса қўшишлари мумкин деган қарашини қўллаб-қувватлайдиган моделни ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Даъватга ёндашув

Даъватга ёндашув – бу *даъватчилар* билимлар ва тажрибаларни диннинг тарқалишига айлантирадиган нарса. Бу *даъватнинг* усту-

вор йўналишлари, *даъватчиларнинг* алоҳида эътибор қаратилган йўналишлари ва *даъватнинг* жамиятга татбиқ этилишини ҳам ўзида акс эттиради. Ал-Ғазолийнинг фикрича, *даъватчилар* Яратувчи ва илоҳий сифатларни тақдим этишда маълум бир услубга амал қилувчи Куръон методологиясига кўра ўз ақидаларини тақдим этишлари керак. Унинг фикрига кўра, *даъват* диний ҳақиқатларни энг ҳалол узатиши ва Ислом эътиқоди ва қонунининг ҳақиқий талқинидир. Ал-Ғазолийнинг фикрига биноан, *даъват* иккинчи даражали ҳуқуқий фикрларга эмас, балки бутунлай Худонинг бирлигига қаратилган бўлиб, у яхшилиқларга олиб келади ва одамларни мажбурий диний ҳаракатлар атрофида бирлаштиради.

Шунга қарамай, ал-Ғазолий *даъват* ёндашувига ҳуқуқий фарқларнинг таъсири ҳақида жуда ташвишланган эди. Даъватни ҳуқуқий фарқлар таъсиридан озод қилиш учун у “Ислом ҳуқуқидаги афви” деб атаган нарсани таклиф қилган. Бундай эътибор даъватда қонунни тўғри тушуниш ва қўллаш борасидаги ташвишини оширади. Ал-Ғазолийнинг сўзларига мувофиқ, *даъватчилар* Исломни иккинчи даражали ҳуқуқий ҳукмлар ёки диний муҳокамалар тақризи сифатида тақдим этганда, мусулмон жамиятини заифлаштирадилар ёки йўлдан оздирадилар.

Жума хутбаси каби диний воизликнинг анъанавий шаклларида ташқари, ал-Ғазолий “*даъват* ахбороти” деб номлаганини ҳам эслатиб ўтган эди. Бу ҳақиқатни ёйиш ва инсоният фаровонлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган хабарни самимий етказишдир. Бундан ташқари, ал-Ғазолий замонавий воизликнинг *даъватга* ёндашувга таъсирини чуқур қизиқтирганга ўхшайди. Унинг асарларида *даъват*, воизлик ва касбий мартабаси ўртасидаги фарқлар баъзи мусулмонларнинг *даъватни* диний ваъз, муайян кийим шакли ёки яқин бир қишлоққа бир кунлик зиёратни ташкил этувчи ҳодиса сифатида қабул қилишларига сабаб бўлган. Ушбу тушунча эса жамиятдан, таълимдан ва академик интилишлардан бегоналашишга олиб келган эди.

Даъват учун асос сифатида Қуръонга эътибор бериш ва *даъватнинг* қонун талабларига мувофиқлигини ҳисобга олиш орқали ал-Ғазолий *даъватга* самарали исломий ёндашувни тушунишда ва қўллашда самимий қизиқиш кўрсатган. Унинг *даъватга* ёндашуви ваҳийнинг эҳтиёжлари ва маъносини ўз ичига олади, бироқ у назарий тахминларнинг оддий мажмуи эмас, аксинча, *даъватчиларнинг* ахлоқий сифатларини мустаҳкамлашни ўз ичига олади. Бу ахлоқий сифатларнинг йўқлиги *даъватнинг* мағлубиятига ва таъсирланган аҳоли гуруҳларида шубҳа пайдо бўлишига олиб келади. Ал-Ғазолий учун *даъват* ёндашуви “*дуъат*” ходимлари билан узвий боғлиқ бўлиб, динни тўғри ва самарали тушунишни таъминлашга қаратилган.

***Даъватнинг* ҳуқуқий методологияси**

Ал-Ғазолий *даъват* ва ҳуқуққа доир мустақил мулоҳазаларни амалга оширган. Биринчидан, у *даъват* муаммосини, уни қандай тушуниш кераклиги, унга қандай ёндашиш кераклиги ва уни қандай қўллаш кераклигини билиб олган. Иккинчидан, у ҳуқуқ масаласига ва *даъват* манфаати учун ҳаракат қилиш учун қандай талқин қилиниши ва қўлланилиши кераклигига мурожаат қилган. Ал-Ғазолий *даъват* мақсадларини сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш зарурлигини таъкидлаган. Бунинг учун у бир вақтнинг ўзида *даъватга* нисбатан ҳуқуқ ва дин муносабатларини кўриб чиқишга мажбур бўлган эди.

Ислом ҳуқуқшунослигига қайтиб, ал-Ғазолий, унинг фикрича, *даъватга* тўсиқ бўлган ва унинг моделига салбий таъсир кўрсатган долзарб масалаларни ҳал қилишга интилган. Бу шуни кўрсатадики, унинг *даъватга* нисбатан ҳуқуқни ўрганиш шунчаки амалий стратегия бўлиб, *даъват* тафаккурининг тизимли методологиясини шакллантиришга унчалик аҳамият берилмаган. Бу ҳақиқат *даъват* билан бирлашганда қонун ёки тизимли методологиянинг изчил қўлланилишини таъминлай олмайдиган кўплаб ҳуқуқий имтиёзларида яққол намоён бўлади.

Ал-Ғазолийнинг манфаати шундаки, Ислом ҳуқуқшунослиги *даъватга* хизмат қилиши ва ҳуқуқий қарорлар мусулмон бўлмаганларни ҳам Исломдан, бузғунчиларни ҳам раҳбариятдан четлаштирмаслиги

керак эди. Ал-Ғазолий ҳуқуқ ва *даъват* ўртасидаги муносабатларнинг кенг доирасини ишлаб чиқиб, ҳар доим *даъват* манфаатларига эътибор қаратган эди. Мисол учун, у иймонга тўсқинлик қилмаслиги кераклигига ишониб, мусиқани тақикловчи ҳуқуқий қарорни муҳокама қилган. У бу қисман Ғарб жамиятлари учун тўғри эканлигига амин бўлиб, бунинг учун *даъват* дастурида мусиқа/қўшиқ ёки аёллар юзини қоплаш масалалари кўтарилмаслиги керак эди. Бироқ, ал-Ғазолийнинг *даъватнинг* ҳуқуқий методологияси Ғарб жамиятининг мусулмонлар фаолиятига муносабати ва унинг *даъват* учун фойдаларга қизиқиши ва у билан қопланган одамларнинг ижобий фикр-мулоҳазаларини орзу қилиш ҳақида чуқур ташвиш билдиради. Бу эса уни анчагина заиф ҳадисларни қабул қилишга мажбур қилган эди. Шунга қарамай, ал-Ғазолийнинг асари *даъватни* ички ва ташқи томондан таъсир этадиган замонавий муаммоларни жасорат билан ўрганмоқда. Ал-Ғазолийнинг саъй-ҳаракатлари, номукамаллигига қарамай, илгари *даъват* ва қонун бирлашувини қуршаб олган таранг сукунатни бузиб, ҳозирги замон *даъват*, ҳуқуқ ва Ислом тараққиётининг пойдеворини бошлаб берган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Шунингдек, у мусулмонларни *даъват* ҳодисаси билан боғлиқ маданий ва диний тақдиротга, айниқса, Ғарб мамлакатларида ва мусулмон жамиятларининг бутун инсоният билан муносабатлари ҳақиқатига эътибор беришга кўндирувчи янги таҳлил усулини баён қилган.

Аёллар ва *даъват*

Ал-Ғазолий аёлларга оид баъзи назарий тахминларни қайта кўриб чиқди, чунки аёлларга нисбатан зарарли маданий муносабат ва урф-одатлар хотин-қизлар мақомига ва уларнинг ҳиссасига салбий таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси Ислом номигадир. Ал-Ғазолий маданиятни дин талқинига киритиш муаммосини, хотин-қизлар масалаларига ёндашишда *даъватчиларнинг* муваффақиятсизлиги ва аёлларга нисбатан турли масалаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайта муҳокама қилган эди. Ал-Ғазолийнинг фикрича, хотин-қизлар масаласини чинакам тушуниш уларнинг замонавий жамиятга қўшган ҳиссасига мос ёндашуви таъминлайди.

Ал-Ғазолий Қуръоннинг аёллар ҳақидаги таълимоти бутунлай эътиборсиз қолдирилганини даъво қилган. Аёллар камдан-кам меросдан ўз улушларини олганлар, никоҳлари ҳақида камдан-кам маслаҳатлашганлар ва ўқимаган диндорлар уларни камситиб, жоҳилият ҳолатида қолдирганлар. Натижада улар диний бурчлари ва ҳаётдаги мажбуриятларини унутдилар. Ал-Ғазолийга кўра, бундай ижтимоий ва маданий амалиётлар аёлларнинг мавқеини пасайтиришга, масалан, уларнинг иқтисодий ҳуқуқларини инкор этиш каби катта ҳисса қўшган. Бундан ташқари, бу сунъий урф-одатлар ва эътиқодлар аёлларнинг жамиятга қўшган ҳиссасига тўсқинлик қилиб, уларни ҳаётда ҳам, динда ҳам аҳамиятсиз қилиб, жаҳолат зулматини сақлаб қолиш, Ислом таълимотини бузиш ва аёллар таълимининг пасайишига ва шунинг учун бутун миллатнинг пасайишига олиб келди. Ал-Ғазолий бу анъаналар аёлларга зулм қилар экан, эркакларнинг мавқеини кўтариб, айна пайтда аёлларни жисмоний бурч ва айш-ишрат соҳаси билан чеклаб қўйганига ишонч ҳосил қилган. Аёлларнинг ахлоқий ҳолати шараф призмаси орқали қаралади, хусусан, ўғилнинг ножўя қилиқлари ёшларча қувноқлик, аёлнинг хато ҳаракатлари эса шарманда, оқибатлари жиддий ҳисобланади.

Ал-Ғазолийнинг стратегияси хотин-қизлар аҳволининг янгича ҳуқуқий талқинини таъминлашдан иборат эди. Масалан, у аёлларнинг юзларини ёпишни талаб қиладиган исломий матн йўқлигини таъкидлаган. Аёлларнинг мавқеини тиклаш учун ал-Ғазолий янги тушунчаларни тақдим этиши мумкин бўлган, шунингдек, аёлларнинг салоҳияти ва қобилиятларини очиб берадиган турли хил талқинларни муҳокама қилган.

Хулоса

Ал-Ғазолий Ислом ўзгаришлари кенг доирасида замонавий *даъват* моделини ишлаб чиқишга интиланган эди. Унинг моделида *даъватчилар* нафақат мавхум диний таълимот ёки ахлоқнинг ташувчилари, балки ижобий ўзгаришларнинг тарқатувчиларидир. Бундан ташқари, *даъват* энди муайян *даъватчиларнинг* диний гуруҳининг масъулияти сифатида эмас, балки мақсади нафақат диний ҳаётни, балки мусулмон жамиятининг иқтисодий меъёрларини ҳам яхшилашга қаратилган ижтимоий ва жамоавий масъулият сифатида қаралмоқда. Боз устига, *даъват* нафақат воизлар, муфтийлар ва диншуносларни, балки Жамооти Таблиғ, Суфийлар ва Салафийлар каби гуруҳларнинг анъанавий маконидан ташқарига чиқиб, ижтимоий ва умумбашарий ўзгаришларга ҳисса қўшганларни ҳам ўз ичига олиши зарур.

Бунинг учун *даъват* нафақат диний воизлик масъулиятини англатади, балки ақлий ва ахлоқий ўзгариш жараёнини ҳам акс эттиради. Бундай жараён очиқ ва яхлит бўлиб, хилма-хилликни, шу жумладан, дин ва жамият ўртасидаги алоқа нуқталарини қамраб олади. Ал-Ғазолий *даъватнинг* ушбу кўп қиррали хусусиятини тан олган ҳолда маданий ва географик чегаралардан чиқиб кета оладиган, диний анъаналарни янги ва оқилона тушунишга қатъий риоя қиладиган ва мусулмончилик ҳаракатлари ва *даъват* гуруҳларининг замонавий таъсиридан ажралиб турадиган янги фаолият муҳитини қидирган. Ал-Ғазолийнинг *даъват* модели доимо *даъват* учун қулай муҳит яратиш мақсадида исломий ўзгариш масалаларини ўз ичига олади. Турли одамлар ва халқлар учун Исломни жорий этишни талаб қиладиган *даъватнинг* умумбашарий табиатини ҳисобга олган ҳолда ал-Ғазолий модели, айниқса, Ғарб билан алоқа, ўзаро тушуниш ва ўзаро ҳамкорлик кўприklarини яратиш, ҳамда мусулмон жамиятларининг ўзида умумжаҳон алоқа каналларини кенгайтириш мақсадини кўзлайди. Ал-Ғазолийнинг *даъват* модели мўътадилликни қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, агар ал-Ғазолийнинг таниқли, конструктив ва яхлит асарлари бўлмаганида, *даъват* ва Ислом ислохотларининг ҳолати қандай бўлишини тасаввур қилиш қийиндир. Таълимга нисбатан тутган мустаҳкам мавқеи, унинг эр-

кин жамият зиммасига юклаган муҳим аҳамияти, камбағалларнинг турмуш даражасини кўтариши, у чақирган шахсий камолоти ва унинг ҳамдардлиги, унинг ўқитувчи ва жамоатчилик интеллектуал танқидчиси сифатидаги ўрни – буларнинг барчаси ал-Ғазолийнинг ҳаёти давомида ҳам, вафотидан кейин ҳам асрнинг энг муҳим муслмон мутафаккирлари ва ислохотчиларидан бири сифатидаги обрўсини қўллаб-қувватлайди.

Муаллиф хақида

БЕНАУДА БЕНСАИД (Жазоирнинг Константина шаҳридаги ал-Амир Абделқодир Университетида) Исломшунослик бўйича бакалавр даражасига, (Малайзиядаги Халқаро Ислом Университетида) Ислом диний билимлари бўйича магистр даражасига, (Канаданинг МакГилл Университетида) Исломшунослик фанлари доктори даражасига эга. Ҳозирда у Саудия Арабистонининг Жидда шаҳридаги Эффат университети Санъат ва Фанлар колледжида ишлайди.

Муҳаммад Ал-Ғазолий (1917-1996) барчани Исломга чақиришга бўлган иштиёқида, мусулмонларга нафақат энг яхши, энг асосли тарзда Исломни ифодалай олмаганликлари, балки Қуръоннинг маънавий тамойиллари ва Муҳаммад Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) томонидан белгиланган олий меъёрларга хиёнат қилганликлари билан мусулмонларнинг ўзларини қаттиқ танқид қилди.

Бу китоб Ал-Ғазолий томонидан “*даъват*”ни (du'āt, яъни Исломни тушунишга *даъват* этганларни) ва *даъватнинг* (Исломга чақиқрик) амалиётини кескин танқид қилишини таҳлил қилади. Шу билан бирга, унинг методологияси турли таклиф этилган ечимлар асосида қонуний жавобларни ўрганади. Тадқиқотнинг асосий элементлари ал-Ғазолий тафаккурининг ривожланиши ҳамда унга таъсир этувчи одамлар ва омиллар ҳисобланади. *Даъват* ва Ислом ислоҳоти борасидаги мулоҳозаларнинг аҳволи ал-Ғазолийнинг кўзга кўринган ҳиссасисиз қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин. Унинг таълим аҳамиятига эга бўлган кучли позицияси, эркин жамиятга берган муҳим вазни, камбағаллар учун муносиб турмуш даражасини тарғиб қилиши, у мурожаат қилган ахлоқий ва шахсий мукамаллик фазилатлари, шунингдек, унинг тарбиячи сифатида шафқатли, эҳтиросли роли – буларнинг барчаси йигирманчи асрнинг энг муҳим мусулмон ақлий мутафаккирлари ва ислоҳотчиларидан бири сифатида ал-Ғазолийнинг кўплаб авлодлар учун обрў-эътиборини сақлаб қолади. Унинг мероси умр бўйи Ислом хизматида асосланган.

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу институтнинг муҳим нашрларининг ихчам шаклда ёзилган, ўқувчиларга асл нусханинг энг муҳим мазмуни тўғрисида асосий тушунчаларни бериш учун яратилган қимматли тўпламидир. Қисқа, ўқиши осон, вақтни тежайдиган шаклда ёзилган ушбу қисқа хулосалар катта ҳажмдаги нашрнинг батафсил, пухта ёзилган шарҳини тақдим этади ва умид қиламизки, ўқувчиларни асл нусхасини ўрганишга ундайди.

Худого ва инсониятга хизмат қилиш: Шайх Муҳаммад ал-Ғазолий мероси – бу Шайх Муҳаммад ал-Ғазолийнинг *даъват* моделини ўрганишдир. Асарда Шайх ал-Ғазолий ҳаёти, унинг таълими, мартабаси, *даъват* ва жамиятга қўшган ақлий ва касбий ҳиссаси ҳамда шахсий феъл-атвор хусусиятлари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, у ал-Ғазолий, Ислом фалсафаси, динамикаси ва оқибатларини чуқур тушунадиган, анъанавий олим бўлиб, дин, жамият ва *даъватни* таҳлил қилиш бўйича замонавий ёндашувни қандай қўллаганини тасвирлайди.

Ал-Ғазолий *даъватни* кўп қиррали ва кўп соҳали ёндашувни талаб қиладиган муҳим аҳамиятга эга бўлган масала деб ҳисоблаган, сабаби у, биринчидан, инсониятни Худого ишониш эҳтиёжи билан, иккинчидан, мусулмонлар маънавий тафаккурининг умумий озайишини ўлчайдиган барометр билан боғлаган эди.